
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ


МИКРОМОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИ ШАРҲИ

(2026 ЙИЛ III ЧОРАК ЯКУНИ БЎЙИЧА)


1-расм. Жами микромолия хизматлари ҳажми,
трлн сўмда



2-расм. Микромолия хизматларида бозор иштирокчилари улуши




3-расм. Микромолиявий хизматларнинг жами ажратилган кредитлардаги улуши динамикаси



Кредит ташкилотлари томонидан жорий йилнинг январь – сентябрь ойлари давомида жами **109,9 трлн** сўм миқдорида микромолия хизматлари кўрсатилиб, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **6 трлн** сўмга ёки **6 фоиз**га ошган.

Натижада, жорий йилнинг январь – сентябрь ойлари давомида кўрсатилган микромолия хизматларининг жами ажратилган кредитлардаги улуши 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **2,8 фоиз** бандга камайиб, **31,4 фоиз**ни ташкил этган.

4-расм. Банклар томонидан кўрсатилган микромолия хизматлари ҳажми, *трлн сўмда*



Микромолия хизматлари ҳажми қуйидагича тақсимланган:

• давлат улуши мавжуд банкларда – **24,6 трлн** сўм *(улуши 39%);*


• хусусий банкларда – **37,8 трлн** сўм *(улуши 61%).*

Микромолия хизматлари ҳажми ўзгариши:

• давлат улуши мавжуд банкларда **1 трлн** сўм ёки **4 фоиз**га камайган;


• хусусий банкларда **19,2 трлн** сўм ёки **34 фоиз**га камайган.

5-расм. Кўрсатилган микромолия хизматлари ҳажми бўйича ТОП-6 банклар, *трлн сўмда*



Жорий йилнинг январь – сентябрь ойларида кўрсатилган микромолия хизматлари ҳажми бўйича энг юқори кўрсаткич давлат улуши мавжуд банклар орасида **Агробанк** (*10,1 трлн сўм, ўсиш – 22%*), **Халқ банки** *(3,3 трлн сўм, камайиш – 0,2%*), **Ўзмиллийбанк**да *(3,2 трлн сўм, камайиш – 24%)*, хусусий банклар орасида эса **Ипотека-банк** *(5,6 трлн сўм, ўсиш – 6%)*, **Ҳамкорбанк** *(5 трлн сўм, ўсиш – 56%)* ва **ТБС банк**да *(4,6 трлн сўм, камайиш – 85%)* қайд этилган.


6-расм. Микромолия ташкилотлари кесимида кўрсатилган микромолия хизматлари ҳажми, *трлн сўмда*



Микромолия ташкилотлари томонидан кўрсатилган жами **44,4 трлн** сўмлик микромолиявий хизматларнинг **73 фоиз**и ёки **32,3 трлн** сўми **учта** микромолия ташкилоти ҳиссасига тўғри келади:

Ташкилот номи	Кўрсатилган хизматлар ҳажми	Улуш
ТезКоин	27,3 трлн сўм	61%
Шаффоф-молия	3,1 трлн сўм	7%
ТБС Кредит	1,9 трлн сўм	4%
Бошқалар (139 та)	12 трлн сўм	27%


7-расм. Ломбардлар кесимида кўрсатилган микромолия хизматлари ҳажми, *млрд сўмда*



Ломбардлар томонидан кўрсатилган **3,1 трлн** сўмлик микромолиявий хизматларнинг **22 фоиз**и ёки **695 млрд** сўми **учта** ломбард ҳиссасига тўғри келади:

Ташкилот номи	Кўрсатилган хизматлар ҳажми	Улуш
Олтин	402 млрд сўм	13%
Ҳашаматли чинор	157 млрд сўм	5%
Максимум	136 млрд сўм	4%
Бошқалар (87 та)	2 402 млрд сўм	78%

8-расм. Микромолиявий хизматлар ҳажми, *трлн сўмда (маҳсулотлар кесимида)*




Микромолиявий хизматлар таркибида:

- микроқарзлар – **92,9 трлн** сўм *(+ 10 трлн сўм ёки + 12%)*;
- микрокредитлар – **17 трлн** сўм *(- 4 трлн сўм ёки - 19%)*.

Бунда, микроқарзлар улуши **85 фоизни** *(+5 фоиз банд)*, микрокредитлар улуши **15 фоизни** ташкил этди.

9-расм. Кўрсатилган микромолия хизматларида маҳсулотлар улуши *(кредит ташкилотлари кесимида)*




Банклар томонидан жорий йилнинг январь – сентябрь ойлари давомида ажратилган микроқарзларнинг жами микромолиявий хизматлардаги улуши 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **6 фоиз банд**га камайиб, **76 фоиз**ни ташкил этди.

Ўз навбатида, микромолия ташкилотлари томонидан ажратилган микроқарзларнинг улуши **29 фоиз банд**га ортиб, **96 фоиз**га етди.

Маълумот учун: Ломбардлар томонидан фақат микроқарзлар ажратилади.

10-расм. Муддатлар кесимида кўрсатилган микромолиявий хизматлар

(кредит ташкилотлари кесимида)*



Банклар томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматларда узоқ муддатли кредитлар улуши **1 фоиз банд**га ортиб **94 фоиз**ни, микромолия ташкилотлари ва ломбардларда эса **3 фоиз банд**га пасайиб **15 фоиз**ни ташкил этди.

**Маълумот учун: Ломбардлар томонидан фақат қисқа муддатли микроқарзлар ажратилади.*

Муддатлар кесимида:

- **қисқа муддатли**: **43,8 трлн** сўм ***(+ 20,9 трлн** сўм, + 91%)* – улуши **40%**;
- **узоқ муддатли**: **66,1 трлн** сўм ***(- 14,9 трлн** сўм, - 18%)* – улуши **60%**.

Ташкилотлар кесимида муддатлар тақсимоти:

Қисқа муддатли:

- **банклар: 3,5 трлн** сўм *(улуши 6%)*;
- **микромолия ташкилотлари ва ломбардлар: 40,2 трлн** сўм *(улуши 85%)*.

Узоқ муддатли:

- **банклар: 59 трлн** сўм *(улуши 94%)*;
- **микромолия ташкилотлари ва ломбардлар: 7,2 трлн** сўм *(улуши 15%)*.

11-расм. Валюталар кесимида кўрсатилган микромолия хизматлари




Жорий йилнинг январь – сентябрь ойлари давомида микромолия хизматларининг **108,8 трлн** сўми ёки **99 фоизи миллий валютада**, 1,1 трлн сўми ёки **1 фоизи хорижий валютада** кўрсатилган.


Бунда, ўсиш кўрсаткичи **миллий валютада 5,4 трлн** сўмни (+ 5%), **хорижий валютада 563 млрд** сўмни (+ 2,1 баробар) ташкил этган.

12-расм. Хорижий валютада ажратилган микрокредитларнинг банклар кесимида тақсимоти

Ушбу микрокредитларнинг **786 млрд** сўм экв. ёки **74 фоиз**и қуйидаги 5 та банк ҳиссасига тўғри келади:



13-расм. Кўрсатилган микромолия хизматлари *(ҳудудлар кесимида), трлн сўмда*




Устун устида — ўтган йилга нисбатан ўсиш

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган микромолия хизматларининг **71,3 трлн** сўми ёки **65 фоиз**и Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.


Энг юқори ўсиш суръати қайд этилган ҳудудлар:

- **Андижон** вилояти – **+ 691 млрд** сўм *(+ 24%)*;
- **Самарқанд** вилояти – **+ 321 млрд** сўм *(+ 10%)*;
- **Сирдарё** вилояти – **+ 96 млрд** сўм *(+ 8%)*.

14-расм. Ажратилган микроқарзлар *(ҳудудлар кесимида), трлн сўмда*



15-расм. Ажратилган микрокредитлар *(ҳудудлар кесимида), трлн сўмда*



Онлайн микромолия хизматлари

Жорий йилнинг январь – сентябрь ойлари давомида жами микромолия хизматларининг **67,1 трлн** сўми ёки **61 фоизи** **онлайн**, **42,8 трлн** сўми ёки **39 фоиз**и **анъанавий усул**да кўрсатилган.

Онлайн микромолия хизматларининг **32,1 трлн** сўми ёки **48 фоизи** **банклар** *(30 та)*, **35 трлн** сўми ёки **52 фоизи** **микромолия ташкилотлари** ҳиссасига тўғри келади.

16-расм. Банклар кесимида онлайн микромолия хизматлари улуши

